Раис ўринбосари:
Умирзоқов Абдуразоқ Абдураҳманович — Оҳангарон тумани С. Раҳимов номли ширкат хўжалиги иқтисодчиси
Комиссия котиби:
Бакирова Ҳакима — Оҳангарон тумани 50-мактаб директори
Комиссия аъзолари:
Азимов Аваз — Оҳангарон тумани «Авазхон» фермер хўжалиги раиси
Матқосимов Нурмуҳаммад — Оҳангарон тумани 16-мактаб ўқитувчиси
Муллаев Фарҳод — Оҳангарон тумани 29-мактаб ўқитувчиси
Ҳамраев Раимжон — Ангрен шаҳар 32-мактаб ўқитувчиси
Ҳамраев Фарҳод — Оҳангарон тумани 29-мактаб ўқитувчиси
Ҳайитбоев Турсунали — «Ўзагросуғурта» Оҳангарон бўлими бошлиғи ўринбосари

38-«Қуёш» округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:
Ҳамидов Обид — Паркент тумани 1-ўрта мактаб илмий бўлим мудири
Раис ўринбосари:
Дўстов Жасур Тожибоевич — Паркент тумани «Чотқол» биосфера қўриқхонаси директори
Комиссия котиби:
Абдумаликова Барно Абдуғаниевна — Паркент тумани адвокатура адвокати
Комиссия аъзолари:
Адашов Даврон — Паркент тумани «Бўстон» ширкат хўжалиги назорат бўлими бошлиғи
Миртулаев Миродил Миракбарович — Паркент тумани матлубот хиссадорлик жамияти қурилиш муҳандиси
Каримкулов Имом — Паркент тумани «Реал» хусусий савдо фирмаси раҳбари
Ражаббоев Арапбой Рустамович — Паркент тумани марказий касалхона ташқилий услубиёти бўлими мудири
Холматова Зарифа Мирсаидовна — Паркент тумани «Чанги» қишлоқ хотин-қизлар қўмитаси раиси
Холтоев Эркин Эргашевич — Паркент тумани «Хисарак» жамоа хўжалиги касаба уюшмаси раиси

39-«Гулистон» округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:
Миркомолов Мирсодиқ Мирхоликович — Паркент тумани 31-ўрта мактаб директори ўринбосари
Раис ўринбосари:
Орипов Мақсуд Шарипович — Паркент тумани «Бойқозон» ширкат хўжалиги бўлим агрономи
Комиссия котиби:
Эргашова Қумри Абдужамиловна — Паркент тумани 15-болалар боғчаси тарбиячиси
Комиссия аъзолари:
Жаматов Толиббой Шарипович — Паркент тумани «Навбаҳор» деҳқон-фермерлар уюшмаси касаба қўмитаси раиси
Нажов Рисқихўжа — Паркент тумани «Паркент» ширкат уюшмаси кадрлар бўлими бошлиғи
Турсунбоева Замира — Паркент туман халқ таълими бўлими усулубиётсичи
Усмонов Фахриддин Хамдамович — Паркент туман йўл қурилиш идораси бош муҳандиси
Ҳамдамов Баҳодир — Паркент тумани «Гулбоғ» ширкат хўжалиги раис ўринбосари
Ҳакимов Абдуғаффор — Паркент тумани «Намданак» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳарбий столи бошлиғи

40-«Туркистон» округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:
Мираҳмедов Исроил — Пскент тумани худудий тиббий бирлашмаси шифокори
Раис ўринбосари:
Абдуқаюмов Абдуқаҳҳор — Пскент тумани санитария-эпидемиология станцияси шифокори
Комиссия котиби:
Насруллаева Комила Сохатиллаевна — Пскент тумани «Майилобод» маҳалла фуқаролар йиғини котиби
Комиссия аъзолари:
Беков Аҳмаджон Зоирович — Пскент тумани худудий тиббий бирлашмаси бош шифокори ўринбосари
Давронов Абдуҳамид — Пскент тумани «Формула» фермер хўжалиги раиси
Жўраев Шуҳрат — Пскент тумани товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси
Муҳамаджонова Бахри Умирзоқовна — Пскент тумани 9-ўрта мактаб ўқитувчиси
Сайхўжаев Саидолим Ашрафович — Пскент тумани қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи директори
Ишонкулов Ўктам Маматкулович — Пскент тумани 7-лицей интернат ўқитувчиси

41-«Ўзбекистон» округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:
Саидов Ҳасан Убайдуллаевич — Пскент тумани «Ўзбекистон Мустақиллиги» жамоа хўжалиги ҳисобчиси
Раис ўринбосари:
Умаров Ҳасан Йўлдошевич — Пскент тумани Ҳ. Қодиров номли жамоа хўжалиги ижарачиси
Комиссия котиби:
Жўраева Махфуза Турсунбоевна — Пскент тумани 28-ўрта мактаб ўқитувчиси
Комиссия аъзолари:
Бўриев Умиркул — Пскент тумани Х. Қодиров номли жамоа хўжалиги касаба уюшмаси раиси
Матқосимова Мавжуда Ғуломовна — Пскент тумани 26-ўрта мактаб ўқитувчиси
Саримсақова Клара Кўчқаровна — Пскент тумани «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги ҳисобчиси
Туронов Абдураҳмон Иброимович — Пскент тумани «Қирққизобод» жамоа хўжалиги муҳандиси
Эргашев Воҳид Ибрагимович — Пскент тумани «Ўзбекистон Мустақиллиги» жамоа хўжалиги бригада бошлиғи
Юсупова Зулайҳо — Пскент тумани «Кориз» қишлоқ клуби мудири

42-«Юнусобод» округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:
Мирзаҳметов Ахрор Иброҳимович — Тошкент туман «Камолот» жамғармаси раиси
Раис ўринбосари:
Иброҳимов Ахроржон Ҳасанович — Тошкент тумани «Гулистон» қишлоқ фуқаролар йиғини ғазначиси
Комиссия котиби:
Исоқова Дилноза Ғанижоновна — Тошкент тумани «Юнусобод» қишлоқ фуқаролар йиғини котиби
Комиссия аъзолари:
Ёқубов Зариф Жўраевич — Тошкент тумани «Чувалачи» қишлоқ фуқаролар йиғини котиби
Мўминов Абдурасул Абдураҳмонович — Тошкент тумани «Чоштепа» қишлоқ фуқаролар йиғини котиби
Муҳамаджонов Ботир — Тошкент тумани Ўзбек-Турк лицейи директори
Риҳсибоев Эркин — Тошкент тумани «Гулистон» қишлоқ фуқаролар йиғини котиби
Толипов Нодиржон Тоҳирович — Тошкент тумани «Ҳасанбой» ширкат хўжалиги 2-бригада бошлиғи
Хусанова Ҳикоят Ариповна — Тошкент тумани «Ҳасанбой» қишлоқ фуқаролар йиғини котиби

43-«Келес» округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:
Вакилов Абдуғани — Тошкент тумани электр тармоқлари идораси бош мухандиси
Раис ўринбосари:
Шерметов Абдулхақ Абдураззақович — Тошкент тумани 14-мактаб ўқитувчиси
Комиссия котиби:
Маҳмудов Шуҳрат Турғунбоевич — Тошкент почтаси очиқ турдаги акциядорлик жамияти «Келес» филиали бошлиғи ўринбосари
Комиссия аъзолари:
Абдуваҳобова Написа — Тошкент тумани 14-мактаб ўқитувчиси
Абдураҳимов Акром Каримович — Тошкент тумани С. Раҳимов номли ширкат хўжалиги бош иқтисодчиси
Каримов Раҳимберди Гаппарович — Тошкент тумани коммунал хўжалиги бошқармаси бошлиғи
Каримова Мухтабар Наимовна — Тошкент тумани 14-мактаб ўқитувчиси
Султонов Акромжон Расулжонович — Тошкент тумани «Кўктерак» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси ўринбосари
Тошметов Абдувоҳит Маҳаматович — Тошкент тумани 14-мактаб директори

44-«Қизғалдоқ» округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:
Шарипова Яшна Турдиалиевна — Тошкент тумани 31-ўрта мактаб директори
Раис ўринбосари:
Эргашев Ҳакимжон — Тошкент тумани «Қизғалдоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси
Комиссия котиби:
Шоисмоилов Баҳодир Таджибаевич — Тошкент тумани «Кўксарой» қишлоқ фуқаролар йиғини котиби
Комиссия аъзолари:
Абдуллаева Ортиқой Фатхуллаевна — Тошкент тумани 9-ўрта мактаб ўқитувчиси
Маҳамаджонов Раҳим Турсунбоевич — Тошкент тумани «Кўксарой» қишлоқ фуқаролар йиғини ғазначиси
Саидаҳмедова Буниса Абдикаюмовна — Тошкент тумани 31-ўрта мактаб илмий бўлим мудири
Саидаҳмедова Маҳсума Сотволдиевна — Тошкент тумани 31-ўрта мактаб ўқитувчиси
Усмонов Олим Ҳусанович — Тошкент тумани 1 поликлиника шифокори
Қаюмова Мунира Исмоиловна — Тошкент тумани 9-ўрта мактаб ўқитувчиси

45-Ким Пен Хва округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:
Ким Валерий Намденович — Ўртачирчиқ тумани Ким Пен Хва корпорацияси раиси ўринбосари
Раис ўринбосари:
Ибрагимова Саломат Болтабоевна — Ўртачирчиқ тумани болалар боғчаси мудираси
Комиссия котиби:
Юсупова Фарида — Ўртачирчиқ тумани 59-ўрта мактаб директори
Комиссия аъзолари:
Юсупова Саломат Тураловна — Ўртачирчиқ тумани 60-ўрта мактаб касаба уюшмаси раиси
Эргашев Абдуҳамид Туропович — Ўртачирчиқ тумани 124-махсус мактаб интернати директори
Ҳасанова Раҳима — Ўртачирчиқ тумани 65-ўрта мактаб директори
Низомов Замон Отабекович — Ўртачирчиқ тумани 59-ўрта мактаб ўқитувчиси
Раҳимова Айша — Ўртачирчиқ тумани «Бектемир» пахта заводи товаршуноси
Кўканов Абдулла — Ўртачирчиқ тумани Охунбобоев жамоа хўжалиги касаба уюшмаси раиси

46-«Туйтепа» округ сайлови комиссияси

Комиссия раиси:
Усмонов Нишонбой — Ўртачирчиқ тумани 4-ўрта мактаб директори
Раис ўринбосари:
Рўзибаева Муҳаббат — Ўртачирчиқ туман почта идораси раҳбари
Комиссия котиби:
Турсунов Абдулла Нишонович — Ўртачирчиқ тумани «Туйтепа» шох автобекати бошлиғи ўринбосари
Комиссия аъзолари:
Исомитдинова Шахло — Ўртачирчиқ тумани «Туйтепагаз» идораси ходими
Кенжабоева Муаззам — Ўртачирчиқ туман марказий кутубхона мудири
Ғозиев Аҳмад — Ўртачирчиқ туман коммунал хўжалиги идораси бошлиғи
Ли Натали — Ўртачирчиқ тумани 1-ўрта мактаб директори
Шарипова Клара — Ўртачирчиқ тумани 4-ўрта мактаб директори
Султонова Мақсуда — Ўртачирчиқ туман адвокатураси адвокати

47-«Истиқлол» округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:
Бобожонов Рустам — Ўртачирчиқ тумани 10-ўрта мактаб директори
Раис ўринбосари:
Ишонов Абдураҳим — Ўртачирчиқ тумани ККЗ директори ўринбосари
Комиссия котиби:
Файзуллаева Гулнора — Ўртачирчиқ тумани «Ҳақиқат йўли» очиқ турдаги хиссадорлик жамияти касаба қўмитаси раиси
Комиссия аъзолари:
Ачилов Ғуломсадир — Ўртачирчиқ тумани 51-ўрта мактаб директори
Марасулов Анорали — Ўртачирчиқ тумани А. Икромов номли очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти касаба қўмитаси раиси
Анорбоева Мавлуда — Ўртачирчиқ тумани «Нажот» касалхонаси ҳамшираси
Каримова Гулчехра — Ўртачирчиқ тумани 57-ўрта мактаб ўқитувчиси
Исроилов Қадиркул — Ўртачирчиқ тумани 71-таянч мактаб директори
Рўзматова Муборак — Ўртачирчиқ тумани «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги хотин-қизлар қўмитаси раиси

48-«Чиноз» округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:
Рустамов Бахтиёр Деҳқонбоевич — Чиноз қурилиш материаллари ва қурилмалари комбинати автокорхонаси раҳбари
Раис ўринбосари:
Усмонов Ҳикмат — Чиноз тумани «Ўзагросуғурта» Чиноз бўлими бошлиғи
Комиссия котиби:
Ибрагимов Абдуманноп — Чиноз тумани электр тармоқлари энергия назорати бўлими бошлиғи
Комиссия аъзолари:
Зияева Оқибатхон — Чиноз тумани 1-болалар боғчаси методисти
Йўлдошев Гамлет Махкамович — Чиноз тумани «Гулзоробод» ширкат хўжалиги бригада бошлиғи
Тўйчиев Ўткир — Чиноз тумани 28-мактаб ўқитувчиси
Ким Ирина — Чиноз тумани санитария ва эпидемиология станцияси назоратчиси
Тожиева Зулфия — Чиноз тумани худудий тиббиёт бирлашмаси бош ҳамшираси
Ортиқов Маҳмуд Эргашевич — Чиноз тумани савдо бирлашмаси товаршуноси

49-«Олмазор» округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:
Орипжонов Маъмиржон — Чиноз тумани агротадбиркорлик коллежи директори ўринбосари
Раис ўринбосари:
Багданова Карима — Чиноз тумани «Олмазор-М» хиссадорлик жамияти ҳисобчиси
Комиссия котиби:
Саидакбарова Амина Азаматовна — Чиноз тумани 5-ўрта мактаб ўқитувчиси
Комиссия аъзолари:
Ботиров Усмонали Баракаевич — Чиноз агротадбиркорлик коллежи ўқитувчиси
Мовлонов Саминжон Шарипович — Чиноз тумани «Дўстлик» жамоа хўжалиги бригада бошлиғи
Умарова Муқаддас — Чиноз тумани 42-ўрта мактаб ўқитувчиси
Умарова Шаропат Алимжоновна — Чиноз тумани 7-болалар боғчаси мудираси
Қодиров Ортиқали — Чиноз тумани 27-ўрта мактаб ўқитувчиси
Шоназаров Рустам — Чиноз тумани агротадбиркорлик коллежи ўқитувчиси

50-«Истиқлол» округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:
Досинбоев Еркин Холматович — Юқоричирчиқ туман «Ўзбекистон» қишлоқ хўжалик ширкати касаба уюшмаси раиси
Раис ўринбосари:
Артиқов Усмонали Нурматович — Юқоричирчиқ туман 9-мактаб директори
Комиссия котиби:
Аҳмедова Феруза Абдурашидовна — Юқоричирчиқ туман «Хитойтепа» маҳалла фуқаролар йиғини котибаси
Комиссия аъзолари:
Аралбаева Эльмира Жақсылыковна — Юқоричирчиқ туман 23-мактаб ўқитувчиси
Кенжалиев Ниязимбет Умирбекович — Юқоричирчиқ тумани «Ўзбекистон» қишлоқ хўжалик ширкати бригада бошлиғи
Махкамов Турахужа Юлдашевич — Юқоричирчиқ туман «Дўстлик» ҳиссадорлик жамияти бригада бошлиғи
Мирзабеков Марсель Адилович — Юқоричирчиқ туман «Ўзбекистон» қишлоқ хўжалик шарикати бош ҳисобчиси ўринбосари
Тагаев Умирбой — Юқоричирчиқ туман 18-мактаб директори
Ўсеров Бухарбай Мейманкулович — Юқоричирчиқ туман 28-мактаб ўқитувчиси

51-«Жумабозор» округ сайлов комисссияси

Комиссия раиси:
Турбеков Дуйсен — Юқоричирчиқ туман 26-мактаб ўқитувчиси
Раис ўринбосари:
Абдукаримов Аманбай — Юқоричирчиқ туман «Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси
Комиссия котиби:
Мирзатилляева Жамила Жумабоевна — Юқоричирчиқ туман 26-мактаб ўқитувчиси
Комиссия аъзолари:
Байзаков Муса — Юқоричирчиқ туман «Жамбул» жамоа хўжалиги ишчиси
Игамбулова Маъмура Инамовна — Юқоричирчиқ туман У. Юсупов номли бўрдоқичилик корхонаси ҳисобчиси
Миркаюмов Миродил — Юқоричирчиқ туман «Гулистон» қишлоқ хўжалик ширкати коменданти
Умаров Шохан Мирзакаримович — Юқоричирчиқ туман 15-мактаб ўқитувчиси
Ўринбоев Бахтиёр — Юқоричирчиқ туман «Гулистон» қишлоқ хўжалик ширкати бригада бошлиғи
Эргашев Зиёд — Юқоричирчиқ туман ўт ўчириш бўлинмаси ҳайдовчиси

52- А. Ортиқов округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:
Алметова Дилбар — Янгийўл тумани А. Ортиқов номли жамоа хўжалиги касаба қўмитаси раиси
Раис ўринбосари:
Файзиев Фарҳод Шокирович — Янгийўл тумани «Тинчлик» жамоа хўжалиги касаба қўмитаси раиси
Комиссия котиби:
Эрматова Олия Анваровна — Янгийўл тумани 28-ўрта мактаб ўқитувчиси
Комиссия аъзолари:
Қўрғонбоев Ҳаким Эргашевич — Янгийўл тумани 35-ўрта мактаб ўқитувчиси
Мирзакамолова Насиба Саидовна — Янгийўл тумани 28-ўрта мактаб ўқитувчиси
Мажидов Холид Аҳматович — Янгийўл тумани 28-ўрта мактаб ўқитувчиси
Тўлаганова Мухаё Мирумановна — Янгийўл тумани 3-ўрта мактаб ташқилотчиси
Юсупова Муҳаббат Абдуваҳабовна — Янгийўл тумани «Тинчлик» жамоа хўжалиги ҳисобчиси
Бозорбоев Хифчакбой Анарбоевич — Янгийўл тумани А. Ортиқов қишлоқ фуқаролар йиғини котиби

53-«Ниёзбош» округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:
Нишоналиева Мастура — Янгийўл тумани 13-мактаб ўқитувчиси
Раис ўринбосари:
Султонов Саидкарим — Янгийўл тумани Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-текшириш институти гуруҳ раҳбари
Комиссия котиби:
Ҳасанбоева Гулнора — Янгийўл тумани 13-мактаб ўқитувчиси
Комиссия аъзолари:
Тожибоев Фурқат Абдуллаевич — Янгийўл тумани «Янги Ҳаёт» жамоа хўжалиги бош ҳосилоти
Камолов Тўлқин Турсунбоевич — Янгийўл тумани «Янги Ҳаёт» жамоа хўжалиги бригада бошлиғи
Боймирзаев Олимбой — Янгийўл тумани «Янги Ҳаёт» жамоа хўжалиги аъзоси
Боходиров Илҳом — Янгийўл тумани «Ниёзбош» жамоа хўжалиги иқтисодчиси
Нишоналиева Нортожи Кудратиллаевна — Янгийўл тумани «Ниёзбош» жамоа хўжалиги кадрлар бўлими бошлиғи
Ҳидиров Тошбадал — Янгийўл тумани Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-текшириш институти илмий ходими

54-«Шўралисой» округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:
Султонов Йўлчибой — Янгийўл тумани 54-ўрта мактаб ўқитувчиси
Раис ўринбосари:
Жамолов Ағзамхўжа Мухторович — Янгийўл тумани «Жамол» фермер хўжалиги раҳбари
Комиссия котиби:
Ибрагимов Жумадилла Тўланович — Янгийўл тумани «Навбаҳор» қишлоқ фуқаролар йиғини инспектори
Комиссия аъзолари:
Азимова Гулнора — Янгийўл тумани 25-ўрта мактаб ўқитувчиси
Жўрабоев Нажмиддин — Янгийўл тумани 44-мактаб директори
Қоракулова Рихсигул — Янгийўл тумани 46-мактаб директори
Мирзаҳмедов Мирзахалил — Янгийўл тумани Шўралисой қишлоқ алоқа бўлими ходими
Умриддинов Раҳимжон — Янгийўл тумани Шўралисой қишлоқ фуқаролар йиғини инспектори
Эминова Умида Абдумуталовна — Янгийўл тумани 25-мактаб ўқитувчиси.

Вилоят сайлов комиссияси раиси
Ф. МИРЗААҲМЕДОВ.

Телекўрсатувлар дастури

ДУШАНБА, 20

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Таҳлилнома»
*
8.40 «Диёр мадҳи». Концерт.
9.05 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.35 «Довюраклар». Телесериал.
10.00,12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
«Умид» намойиш этади:
10.05 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.25 «Ёднома».
10.50 Кундузги сеанс: «Рикки-Тикки-Тави». Бадиий фильм.
12.05 «Шоҳруҳ» клуби.
12.35 «Санъат олами».
12.55 Ватан тимсоллари.
13.00 «Оталар чойхонаси». Мусиқий-дам олиш дастури.
14.10 «Ибн Сино таълимоти».
14.30 «Орзулар қанотида». Телебеллашув.
15.40 Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан: «Пурзиё маъво». Ҳужжатли видеофильм. 6-қисм.
16.00 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада симфоник оркестрининг концерти.
16.35 «Йўқолган гувоҳ». Бадиий фильм.
18.10 «ТВ патруль».
18.20 «Ифтихор».
18.40 «Аёл қалби наволари». Мусиқий дастур.
19.05 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00,21.45 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Олтин мерос. «Чоргоҳ». Мусиқий дастур.
21.50 «Маънавият» дастури.
22.35 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 82-қисм.
23.25 «Ахборот».
23.55 «Мудҳиш хато». Бадиий фильм.
01.25-01.30 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Ким эпчил-у, ким чаққон», мультомоша)
18.40 «Ақл ёшдамас...».
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Биринчи мўъжиза».
19.55 «Мусиқий лаҳзалар».
20.00, 20.50, 23.15 Эълонлар.
20.05 «Полиция комиссари». Телесериал.
20.55 «Ёшлар» телеканалида .
21.00 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
21.20 «Сурур» Мусиқий дастур.
21.30 «Душанбада кўришгунча».
21.50 «Мусиқий лаҳзалар».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканалида.
22.35 «Олам футболи».
22.55 Шарқ эстрадаси.
23.10 «Ёшлар» телеканалида.
23.20 Синема. «Инспектор Морз».
01.05 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.00 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.15 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.45 Телегазета «Экспресс».
19.00 «Шаҳарлик фаришта». Телесериал.
19.45 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
20.00 «Бурч ва маъсулият».
20.15 «Телефакт».
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Халқ саломатлиги йўлида».
21.45 «Спорт-тайм».
22.10 «Биз сизга бахт тилаймиз».
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ. «Бевафолар» Комедия (Франция)
01.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
*
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Дурдаршан».
16.00 «ТАСИС» дастури намойиш этади. «Африканинг парқулоқ лочини».
16.30 «Мультчархпалак».
16.45 Клип-антракт.
*
16.55 «Комиссар Рекс». Телесериал премьераси. (Германия)
*
17.50 «Бу ажиб дунё».
*
РЖТ
18.05 Душанба куни Познер билан. «Ниқобдаги киши» дастури.
18.45 «Севги йўлида». Телесериал.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
*
20.35 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
21.20 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.25 «Дил изҳори».
21.30 «Спорт-клуб».
21.45 «Вақт хазинасидан».
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф. «Ҳамшира». Бадиий фильм.
24.00 «Ахборот» (рус тилида)
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

СЕШАНБА, 21

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Шарқ тароналари». II Халқаро мусиқа фестивали. Ҳиндистон.
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 82-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.25 Кундузги сеанс: «Бурилиш». Бадиий фильм.
«Умид» намойиш этади:
12.05 «Санъат ғунчалари».
12.30 «Мактублар, кабутарлар».
12.55 «Олтин дала». Ахборот-мусиқий кўрсатув.
13.40 «Оила». Тележурнал.
14.10 «Муҳаббат соғинчи». Мусиқий дастур.
14.40 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
15.20 «Таянч нуқтаси».
15.40 Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан: «Пурзиё маъво». Ҳужжатли видеофильм. 7-қисм.
16.00 Ўзбек куйларидан концерт.
16.30 «Эгнар чашмаси». Бадиий фильм.
18.10 Болалар учун. «Гулғунчалар».
18.30 «Тафаккур ва тақдир».
18.45 «Ҳунарманд». Тележурнал.
19.05 «Қалқон».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Зиё».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Юртим мўъжизалари». Публицистик кўрсатув.
21.25 «Қўшиғимиз Сизга армуғон». Мусиқий дастур.
22.00 «Ўзлигинг намоён қил». Экранда — Андижон вилояти.
22.35 Экранда — кинокомедия: «Ишдаги ишқ». 1-серия.
24.00 «Ахборот».
00.30 «Ишдаги ишқ». Кинокомедия. 2-серия.
01.35-01.40 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 82-қисм.
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Премьерадан сўнг».
19.55, 20.45, 23.55 Эълонлар.
20.00 «Полиция комиссари». Телесериал.
20.50. «Сарвиноз». Мусиқий дастур.
21.00 «Парламент».
21.15 «02» тўлқинида.
21.30 «Ёшлар овози».
21.50 «Мусиқий лаҳзалар».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканалида.
22.35 «Ёшлар» телеканали ҳафтанинг энг яхши футбол учрашувини тақдим этади.
23.55 «Ёшлар» телеканалида.
24.00 Синема. «Пул бўлса бас».
01.30 «Янги тонг!»

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.00 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.15 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.45 Телегазета «Экспресс».
19.00 «Шаҳарлик фаришта». Телесериал.
19.45 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
20.00 «Ёшлар ҳудуди».
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Суҳбатдош».
21.45 Туризм ҳақида. Ҳафталик шарҳ.
22.15 «Спорт оламида».
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ. «Виктория» Мелодрама.
01.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси. 6.30-8.00
*
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Бинафша».
16.00 «ТАСИС» дастури намойиш этади. «Мешкоб қуш ва океан».
16.30 «Мультчархпалак».
16.45 Клип-антракт.
Россия давлат телевидениеси.
16.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
17.50 «Интернет ҳудуди».
РЖТ
18.05 «Мавзу».
18.45 «Севги йўлида». Сериал.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
20.35 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
21.20 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.25 «Дил изҳори».
21.30 «Уорлднет» янгиликлари.
21.40 «ТВ-4 да Немис тўлқини».
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф. «Океан». Бадиий фильм.
00.40 «Ахборот» (рус тилида)
01.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА, 22

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 Лирик концерт.
9.15 «Инсон — ҳаёт гултожи».
9.35 «Довюраклар». Телесериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.30 Кундузги сеанс: «Учувчининг парвози». Бадиий фильм.
11.55 Ватан тимсоллари.
12.05 «Дилхирож». Бадиий-публицистик кўрсатув.
12.35 «Мураббий». Спорт дастури.
12.50 «Бир наво истар кўнгил». Мусиқий дастур.
13.25 «Остонаси тиллодан».
14.10 «Келажак уфқлари».
14.30 «Рақслар гулдастаси».
14.50 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ўзбекистон — умумий уйимиз».
15.10 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
15.40 Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан: «Пурзиё маъво». Ҳужжатли видеофильм. 8-қисм.
16.00 «Сайқал».
16.25 «Бузоқ йили». Кинокомедия.
17.45 «Жаҳон спорти».
18.10 «Ранглар жилоси».
18.25 «Фермер». Таҳлилий кўрсатув.
18.45 «Сиҳат-саломатлик».
19.10 Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар олдидан: «Сайловчи минбари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Тараққиёт йўли».
21.25 Санъат усталари ва ёш ижрочилар концерти.
22.00 «Адолат мезони».
«Умид» намойиш этади:
22.20 «Буюк келажак — ёшлар қўлида».
23.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 83-қисм.
24.00 «Ахборот».
00.30 «Қиёфа».
00.55-01.00 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Уйна болажон, уйна», мультомоша)
18.40 «Болалар дунёси».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Спектаклдан сўнг».
19.55 «Мусиқий лаҳзалар».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Лаззат».
20.30, 22.35 Эълонлар.
20.35 «Менинг орзуим».
20.40 «Козим Қаюмов куйлайди».
21.00 «Буюк юрт фарзандиман».
21.15 «Ракурс».
21.35 «Каталог».
21.45 «Дил рози». Мусиқий дастур.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканалида.
22.40 Футбол. Чемпионлар лигаси.
00.10 «Ёшлар» телеканалида.
00.15 «Хит-коллекция».
00.30 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.00 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.20 «Осойишталик посбонлари».
18.45 Телегазета «Экспресс».
18.00 «Шаҳарлик фаришта». Телесериал.
19.45 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
20.00 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.20 Манзарали фильм.
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Кузгу». Тележурнал.
21.45 Эстрада концерти.
22.00 «Хайрли оқшом».
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ. «Оқ тўфон».
01.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси. 6.30-8.00
*
14.00-15.05 Туркия телевидениеси
*
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Болалар олами».
15.55 «ТАСИС» дастури намойиш этади. «Озонни қутқарайлик».
16.15 «Мюзик-холл».
16.40 «Мультчархпалак».
16.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
17.50 «Экран зийнати ва қимматли».
РЖТ
18.05 «Инсон ва қонун».
18.45 «Севги йўлида». Сериал.
19.45 «Хайрли тун,кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
*
20.35 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
21.20 «Оламда нима гап?»
21.25 «Дил изҳори».
21.30 «Сизнинг адвокатингиз».
21.45 Тошкентда Япония фильмлари фестивали.» Го хоним ва бошқалар...».
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф. «Графиня Коссель». Бадиий фильм.
00.15 «Ахборот» (рус тилида)
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

«Президент кубоги»

КУТИЛМАГАН МАҒЛУБИЯТУ ТАСОДИФИЙ ЮТУҚЛАР

БЕИСТИСНО, ҳамма спорт турларида тасодифлар бўлиб туради.

Аммо бу йил «Президент кубоги» учун олтинчи марта ўтказилаётган Тошкент халқаро теннис турнирида қайд этилаётган тасодифий натижалар ҳаммасидан ошиб тушди.


БИР БОШДАН бошлайдиган бўлсак, турнирнинг дастлабки боскичиёқ кутилмаган мағлубияту тасодифий ғалабалар билан ушбу энг севимли спорт тури мухлислари ақлини шошириб қўйди. Марат Сафин, Карл Кучеро, Грег Рузетски, Седрик Пиолине каби жаҳон тенниси юлдузларининг биринчи босқичдаёқ қоқилиб, ўйиндан чиқишларини ким ҳам кутганди дейсиз. «Президент кубоги» Тошкент халқаро теннис турнирининг юлдузлари сифатида тилга олинган саккиз нафар теннисчидан чорак финалга келиб, фақат олмониялик Николос Киферннинг ёлғиз ўзи қолганлигини мутлақо кутилмаган ҳолат, деб баҳолаш мумкин.

Яқиндагина жаҳон теннис юлдузларининг тождори бўлган, бугун эса иккинчи ракеткаси ҳамда Тошкент турнири ғолиблигига асосий даъвогар ҳисобланган Евгений Кафельниковнинг мағлубиятини эса кўпчилик мухлислар шунчаки омадсизлик, деб баҳоламоқдалар. Бироқ тўпни кучли зарб билан айлантириб уриш устаси бўлган чехиялик Даниэль Вачекнинг маҳоратини ҳам инсоф юзасидан баҳоламоқ керак. Евгенийдек теннис юлдузини, ҳатто, чорак финалга чиқишдан маҳрум этишнинг ўзи бўлмайди, албатта.

Ўзбекистонлик теннисчилар Олег Огородов, Вадим Куценко ва Дмитрий Томашевичнинг биринчи босқичдаёқ мағлубиятга учраганлари маҳаллий мухлисларни бироз ранжитди. Аммо бу ҳам ўзига яраша табиий ҳолдир. Сабаби — «Президент кубоги» халқаро турнири йилдан-йилга жаҳоннинг энг кучли теннисчиларини ўзига жалб этмоқда. Бинобарин, мамлакатимизнинг катта теннис оламида тобора танилиб, муносиб ўринни эгаллаб бораётганининг ўзи биз учун қувонарли ҳолдир. «Президент кубоги» турнирининг нуфузи ортган сари, теннисчиларимизнинг маҳорати ошиб бориши ҳам шубҳасиздир.

Кеча ярим финал учрашувлари ниҳоясига етиб, финалда ўзаро беллашадиган икки теннисчи маълум бўлди. Голиб бугун аниқланиб, турнирга якун ясалади.

Самад ЙЎЛДОШ.
Суратда: мусобақа пайти. А.РИСҚИЕВ (ЎзА) олган сурат.



«МЕҲРЖОН» — ШУКРОНАЛИК БАЙРАМИ

ИСТИҚЛОЛ туфайли қадимий байрамларнинг тикланиши халқимиз кайфияти ва руҳиятига ижобий таъсир ўтказмоқда. Уларнинг заминида тинчлик, инсонпарварлик туйғулари, ғуруримиз жамулжам. Соҳибқирон Амир Темур халқ сайилларига алоҳида эътибор билан қарагани ҳам бежиз эмас.

Мустақиллигимизнинг шукроналик ва мурувват байрами «Меҳржон» ҳам истиқлол туфайли тикланган кўҳна анъаналардан бири сифатида юртимизга кириб келмоқда. Қадимда олтин кузнинг дебочаси — мезон ойида кутиб олинган «Меҳржон» 1990 йилдан бошлаб, юртимизнинг қатор вилоят ва туманларида қайта нишонлана бошланди.

Ўтмишда «Наврўз» каби «Меҳржон» ҳам байрамлар ичида энг каттаси бўлиб, у бир ой давомида она заминга, меҳнаткаш деҳқонга таъзим сифатида нишонланган. Маълумки, Абу Райҳон Беруний ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» номли асарида кўҳна Турон, Эрон, Рум ва Афғонистон халқлари томонидан кашф этилиб, турмушга сингдирилган урф-одатлар ва қадриятлар ҳақида бебаҳо маълумотлар берган, уларни таҳлил этган. Шу манбадан англашилишича, халқимиз қадимда «Наврўз»ни нафақат баҳорда ўтказган, унинг давоми сифатида кузда ҳам «Тирғон» яъни «Рўзи тир» — «Меҳржон» (Хоразмда «Чиру-руч», Сўғдийларда «Ним Сарда») дея нишонланган. Асарда ёзилишича, «Қуёш ва ой фалакнинг икки кўзи бўлганидек, «Наврўз» ва «Меҳржон» заминнинг икки кўзидир».

Баҳор орзу ва ниятлари қишдан чиқар пайтда баён этилган. Она табиатга, Яратганга илтижолар қилинган. «Меҳржон» эса, ана шу илтижолар ва буюк режаларнинг ижобати сифатида намоён бўлади. Аллома икки мавсум байрами ҳақида ҳикоя қилар экан, баҳор билан кузда кун ва туннинг икки марта тенг (мезон) келишини ёдга солади. Демак, «Наврўз» 21 мартдан 22 мартга ўтар кечаси кириб келса, «Меҳржон» сентябрнинг учинчи ўн кунлиги оралиғида, 23-24 сентябрларда бошланади.

Шарқ мутафаккирлари Рудакий ва Фирдавсий, Умар Ҳайём ва Ҳофиз, Жомий ва Навоий ижодида «Наврўз» мадҳ этилгани сингари «Меҳржон» тўғрисида ҳам ажойиб байтлар битилган. Жумладан, Рудакий ўз ғазалида бу байрам шоҳу гадо учун баравар эканлигини таъкидлайди.

Ота-боболаримиз «Меҳржон» кунлари дала ва боғларга, узум ва қовун сайилларига чиққанлар, қавм-қариндошлар бир-бирларини йўқлаб, эҳсонлар ҳадя этганлар, қарияларга совға-саломлар олиб борилган, қишки озуқалар ғамлашга киришганлар, уй-жойларни қишга тайёрлаганлар, қабристонларни зиёрат этиб, хас-чўпдан тозалаганлар, нураган жойларини сувaганлар. Аразлашганлар ярашиб, гина-кудуратлардан халос бўлинган. Ўтган аждодлар ёдга олиниб, руҳлари шод этилган. Бозорларда, сайилгоҳларда олтин куз неъматлари савдоси, қўчқор, бедана, хўроз уриштиришлар ташкил этилган. Полвонлар куч синашишган, аскиябозликлар авжига минган. Кун ва туннинг тенглиги маъносида ўша куни барча табақа ва мансабдаги кишиларнинг тенг эканлиги тарғиб этилган. Подшо, вазирлар, амалдорлар халқ билан бақамти, хушчақчақлик қилганлар.

Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича, «Меҳржон» байрами қуёш номи билан мувофиқлаштирилган. Болалар қуёшга ўхшаш рангдор доира шаклидаги тахтани ёғочга илиб ёки сариқ толали пахтани осиб, кўча-кўйни тўлдириб юрганлар. «Наврўз» Ой (қамар), «Меҳржон» Қуёш (шамс) байрами саналарди. Қуёш ўз нури билан табиатни безаб, олтин куз келганидан дарак берарди гўё.

«Меҳржон» — Она заминнинг саховати, инсонга муруввати, меҳр-шафқат демак. «Меҳржон» байрами — одамзот табиатнинг бир бўлаги, унинг фарзанди эканлигига ишорадир. Эндиликда маънавий қадриятларимиз илдизлари ҳисобланмиш ана шундай байрамларга эътибор берадиган вақт келди.

Халқимиз ўзлигини танитувчи покликка ундовчи бу катта тадбирни ўтказишда вилоятлар ва туманларнинг раҳбарлари бош-қош бўладилар, имкониятлари даражасида байрамга чинакам халқ сайли руҳини бахш этадилар, деган умиддамиз.

Қолаверса, «Меҳржон» тикланиши ва умумхалқ байрамига айланиши республикамизда маънавият ва маърифатни ривожлантириш ва бу борадаги тадбирларни амалга ошириш йўлидаги хайрли ишлардан бири бўлади.

Мустақил юртимизга марҳабо, «МЕҲРЖОН»!

Билол АМИНОВ,
тарих фанлари номзоди, элшунос олим.

Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида 1999 йил 19 сентябрь соат 11да ўтказиладиган

«МЕҲРЖОН» — ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ ШУКРОНАЛИК БАЙРАМИ (ОНА ЗАМИН САҲОВАТИ)

театрлаштирилган байрам сайли, олтин куз неъматлари савдо кўргазмаси ва танловига таклиф этади.

Байрам дастуридан таниқли олимлар, шоирлар ва ёзувчилар, эл севган санъаткорлар ва бадиий ҳаваскорлик даста лари чиқишлари, илғор қишлоқ хўжалик жамоалари, шахсий хўжаликлар, оила ҳунармандлари, ҳаваскор гул ўстирувчи ва қуш боқувчилар кўргазмалари, «Кимнинг қовуни ширин», «Дастурхон тузаш», «Палов тайёрлаш» маҳорат танловлари, миллий спорт ўйинлари ва мусобақалари ўрин олган.

«МЕҲРЖОН» — ШУКРОНАЛИК БАЙРАМИГА МАРҲАМАТ!

НУРЛИ ИЗЛАР



ҲАЁТДА ўзига ва бошқаларга бирдек талабчан, кўпчилик манфаати йўлида фидойиларча меҳнат қиладиган, кимгадир нафи тегканлигидан қалби ором топадиган инсонлар кўп. Тиббиёт фанлари доктори, қатор фан номзодларининг устози, профессор Абдумалик Дадамуҳамедов ана шундайлар сарасига киради. Бир қарашда унинг таржимаи ҳоли ўзи каби кўплаб олимларники сингари оддийдек туюлади. Ўрта мактаб, Тошкент давлат Тиббиёт институти, аспирантура, ижодий изланиш йиллари...

Айни пайтда умрининг ана шу довонларида ундаги илмга бўлган чанқоқлик, касбга чин муҳаббат, юксак одамийлик фазилатлари, малакали мутахассис бўлиб етишишида алоҳида ўрин тутди.

Абдумалик институтнинг даволаш факультетини 1953 йилда муваффақиятли тугатганидан кейин уни Фарғона вилоятининг Бувайда туманига ишга йўллашди. Ўша йилиёқ ерли халқнинг тили билан айтганда «тошкентлик билағон дўхтир» қўли енгиллиги, катта-кичикка бирдек меҳрибонлиги билан эл оғзига тушди. Кўшни туманлардан ҳам беморлар у хизмат қилаётган шифохонага келиб даволанадиган бўлдилар.

Кейинчалик А. Дадамуҳамедов ўзида илмга, фаннинг янги-янги қирраларини очишга катта эҳтиёж ҳис этди. Худди ана шу орзу шифокорни яна Тошкентга етаклади. Пойтахт врачлар малакасини ошириш институти оториноларингология кафедраси профессорлари, йирик мутахассислари раҳбарлигида «Ўрта қулоқ силининг ташхиси, клиник ҳолати ва даври» мавзуида тадқиқотлар олиб борди.

Шундайлар бор бўлсин

— Илмий изланишларимнинг рўёбга чиқишида Тошкентдаги 17-касалхона жамоасидан ҳам миннатдорман, — дейди нажоткор, — ана шу масканнинг қулоқ, томоқ, бурун хасталиклари бўлимидаги беморлар билан мулоқотларда, уларни даволаш жараёнида анчагина тажриба орттирдим.

Ўз соҳасининг билимдони А. Дадамуҳамедовнинг меҳнатлари зое кетмади. 1963 йилда у танлаган мавзусида тиббиёт фанлари бўйича номзодлик диссертациясини ёқлади.

Ўқиш, ўрганиш, мустақил шуғулланишни кундалик амалий иш билан уйғун ҳолда олиб боришни ўзига одат қилган олим илм-фандан узоқлашмади. У устозлари билан бамаслаҳат иш юритиб «Қулоқ сили билан оғриган беморларда йирингли ўрта отит (шишлар)нинг клиникаси ва давоси» мавзуида ижодий изланишларни давом эттирди. 12 йил мобайнидаги изчил тадқиқотлардан сўнг эса, у докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Мақсад сари интилиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар, илмий адабиётларга ихлос унинг забардаст, истеъдодли олим, моҳир жарроҳ сифатида шаклланишига замин яратди. Малакали шифокорнинг қулоқ, томоқ, бурун хасталиклари муолажаси борасидаги назарий хулосалари ва уларни ҳаётга татбиқ этишдаги ҳиссаси, айниқса, салмоқлидир.

А. Дадамуҳамедов ҳамдўстлик мамлакатлари тадқиқотчилари ва республика сил касалликлари мутахассислари билан биргаликда болаларда рўй берадиган қулоқ, томоқ, бурун касалликларини илк босқичларида даволашнинг қулай усулларини яратди ва сергайрат фан ташкилотчиси, ўз соҳасида фаол жамоатчи, қатор илмий жамиятлар раҳбари, нуфузли кенгашлар аъзоси сифатида ҳамкасбларининг ҳурмат, эътиборини қозонди. Олим 18 йил давомида Республика соғлиқни сақлаш вазирлигининг болалар бош оториноларингологи сифатида шифохоналарда ташхис, муолажа ишларини яхшилаш юзасидан кўпгина амалий тадбирларни рўёбга чиқарди.

Абдумалик Дадамуҳамедов ҳозир ҳам Тошкент Давлат Педиатрия институтида қулоқ, томоқ, бурун ҳасталиклари кафедраси мудири лавозимида ишлаб келмоқда. У кўп йиллик фаолияти давомида 130дан ортиқ илмий мақолалар, 20дан кўпроқ услубий қўлланмалар, 1та монография, шунингдек тиббиётдан русча-ўзбекча луғат яратди. У қатор ихтиролар ташаббускори ҳамдир. Олим шу кунларда 70 ёшга тўлган бўлса ҳам ҳамон навқирон йигитлардек куч-қувват, шижоат билан фаолият кўрсатмоқда. Беморларга шифо бахш этишдек хайрли бурчини сидқидилдан бажариб, умр йўлида ҳавас қиларли излар қолдирмоқда.

Қ. МИРЗАЕВ,
профессор.
К. АБДУЛЛАЕВА,
тиббиёт фанлари номзоди.

СПОРТЧИЛАРИМИЗ МАҲОРАТИ

Россиянинг Анапа шаҳрида елкан спорти бўйича Россия анъанавий очиқ чемпионати ниҳоясига етди. Унда уч юздан ортиқ спортчи иштирок этди. Ўзбекистондан эса Евгений Канончик, Владимир Латипов ва Ксения Мақсудова қатнашди.

Ўзбекистонлик спортчилар юксак маҳоратларини намойиш этиб, мутахассисларни ва томошабинларни ҳайратга солдилар. Евгений Канончик «Луч мина» тоифасидаги елканли қайиқда сузишда биринчи ўринни эгаллади. Владимир Латипов эса маррага ўн учинчи бўлиб етиб келди.

Мусобақанинг энг ёш иштирокчиси, тўққиз яшар Ксения Мақсудова «Оптимист» тоифасидаги қайиқда елканни бошқаришда саккизинчи ўринни эгаллади.

(ЎзА).

ДЗЮДОЧИЛАРНИНГ ОЛТИН МЕДАЛЛАРИ

Озарбойжон пойтахти Бокуда шу кунларда дзюдо бўйича халқаро мусобақа ўтмоқда. У ердан хушхабар келди: ўзбекистонлик Фарҳод Тўраев ва Камол Муродов ўз вазн тоифасида олтин медални қўлга киритди.

(ЎзА).

Китоблар оламида

«МЕҲРИМ ВА АЛАМИМ»

ТИББИЁТ фанлари доктори, Тошкент Педиатрия тиббиёт институти кафедра мудири Эркин Турсунов шифокорлик касбини қанчалик севса, адабиётга ҳам шунчалик муҳаббат қўйган олимлардан. Унинг дастлабки шеъри ва ҳикоялари талабалик йилларида Тошкент Давлат медицина институтининг кўп нусхали газетасида, кейинчалик шаҳар, вилоят, республика рўзномаларида босилди.

Унинг ижодида Ватанга муҳаббат, оналарни шарафлаш, фидойи, меҳнаткаш ўзбек аёлларининг шаъни-шухрати, қадр-қимматини улуғлаш, дўстга садоқат, юксак инсоний фазилатларга даъват мавзуси ҳамиша бош ўринни эгаллаб келмоқда.

Яқинда «Ёзувчи» нашриётида чоп этилган «Меҳрим ва аламим» деб номланган, муаллифнинг ўттиздан ортиқ шеърларини ўз ичига олган тўпламида ҳам ана шу ғоя тараннум этилган. Унинг, айниқса, «Истиқлол», «Аёл мадҳияси», «Йўловчи», «Она ёди», «Ўзбегим қизи» каби шеърлари, қатор тўртликлари миллий ифтихор, ўзликни англаш ҳаётнинг қадрига етиш борасидаги фалсафий мушоҳадаларга бойлиги билан ўқувчи эътиборини тортади.

Тўпламнинг «Меҳрим ва аламим» деб аталиши бежиз эмас. Ундан озод, ҳур кунларга етказган истиқлолга меҳр, етмиш йил ичидаги мустабид кунлар алами билан боғлиқ шеърлар ҳам ўрин олган.

Саидвали ҲАСАНОВ.

Раҳматли падари бузругворим кўпинча ҳикоя қилардилар: «Сағбонда Илҳом самоварчи бўларди, чойхонаси озода, ораста. Кирсанг, бир ёндан тоза кўкчойнинг ҳиди, бир томондан райҳонларнинг уфори келиб турарди. Илҳом самоварчининг ўзи чеккасида хожирайҳон, оппоқ яхтагида, икки қўли кўксида кутиб оларди. Сенга ёлғондир, лекин Худога чин: бир томони Қўйликдан, бир томони Қатортолдан келишарди, Илҳомнинг чойидан ичамиз деб. Одам кўпайиб кетганида, битта-яримта ҳофиз ҳам пайдо бўларди. Гурунглар то оқшомгача тинмасди».

Ҳар бир авлоднинг ўзига хос мактаб юрадиган кишилари бўлади. Олов ўсмирлигимизда Жанггоҳга кўп борар эдик. Сўлим боғ қўйнида сайр қилардик, томошалар кўрардик. Кейин боғ тўридаги Абдушоҳид аканинг чойхонасида йиғилар эдик. Соч-соқолларига оқ оралаган чойхоначи дарҳол туриб келиб, салом берар, омонлашар, худди ота қадрдонлардек ҳол-аҳвол сўрашарди. Ёш эмасмизми, хижолат бўлиб чойга ўзимиз бормоқчи бўлсак, бизни қайтариб: «Сизлар меҳмонсизлар, биз мезбон, баҳузур ўтиринглар», деб, елиб-югуриб хизмат қилар эди.

Сайилгоҳдаги Бахтиёр Жўраевнинг чойхонасига борганимда доим ўша одамохун, дилкаш чойхоначиларни эслайман. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Энди ҳол-аҳвол сўрашган эдикки: «Бахтиёр ака, чой беринг», деб келишди. Бахтиёр чақчақлик билан, ўзига ярашган назокат билан чой дамлар, пиёлаларни яна бир маротаба ювиб, оқ сочиққа артиб, чойхўрга узатарди. Ширин келомларидан чойхўрлар билан бирга мен ҳам лаззатланиб ўтирардим.



КЎЛИДА АСАЛ, ТИЛИДА ШАКАР

— Бахтиёр ака, чойхоначилик сизга ота касбми?

— Асло унақа эмас. Отам Тешавой Жўраев ҳайдовчи бўлганлар. Онам Ҳуриниса «Малика» фабрикасида чеварлик қилганлар.

— Унда қандай қилиб чойхоначи бўлгансиз?

— Болалигим Тахтапулда ўтган. Собир Раҳимов номли кинотеатрнинг орқасидаги боғда чойхона бўларди. Ҳозир унинг ўрнида оталар оромгоҳи бор. Шу ерда ката бўлганман десам, ёлғон бўлмайди. Тоживой ака деган мўйлови ўзига ярашган, ширинсўз киши чойхоначилик қиларди. Остонадан ҳатлаб ўтсангиз бўлди — ёшми, каттами барибир иззат билан кутиб олар, кўрпачаларни қайта-қайта қоқиб, айланиб-ўргилиб ўтказар, нончой, қанд-қурс, новвотлардан келтириб, сийларди. Чойхоначилик сенга отакасбми деяпсиз, балки ўшанда катта бўлсам Тожибой акага ўхшаган бўламан деб, ният қилган бўлсам, фаришталар омин деган бўлса, ажаб эмас.

— Айтишингиз бўйича, пойабзал фабрикасида ҳам ишлаган экансиз... Уста билан чойхоначининг орасида бир чақирим йўл бор.

— Фабрикадан кейин ҳозирги «Шератон-Тошкент» меҳмонхонасининг ўрнида Ғулом аканинг ошхонаси бўлар эди, ўша ерга ишга келганман. Сайилгоҳ кўчасида оромгоҳ ташкил этиладиган бўлиб қолди. Юнусобод ошхоналар трестининг ўша пайтдаги раҳбари Ҳамид Каримов, Каримжон Абдуллаевни, мени чақириб: «Шу ер Ғуломжоннинг ошхонасига битта тармоқ бўлади, сен бошлиқ, сен чойхоначи бўлиб ишни бир юритларинг», деб фотиҳа бердилар. «Ошхонанинг гавжумлиги чойхоначининг ташқи кўринишига, ширин сўзига, дамлаб берган чойига боғлиқ, буни эсингдан чиқарма», деб тайинладилар. Отамнинг дуосини олиб, иш бошладим. Устозимнинг сўзларига эса, ҳамиша амал қилиб келяпман.

— Кадим-кадимдан чойхона маърифат улашадиган бир маскан саналган. Сиз қандай ўйлайсиз: ҳозир ҳам шу вазифани адо этяптими?

— Жуда ўринли савол бердингиз. Назаримда чойхоналарнинг вазифаси ҳали ҳам ўша-ўша. Чунки ота-боболаримиз бир пиёла чой устида суҳбатлашишган, дийдорлашишган, муҳим ишларни битиришган. Энг янги ҳабарлар ҳам дастлаб чойхонадан тарқалган. Лекин ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди: чойхоналар замонавийлашмоқда. Кўпроқ ошхўрлар ташриф буюриши ҳам сир эмас. Барибир, самимий суҳбат авжида бўлишини таъкидласам арзийди.

— Ўзингиз чойхўрларга қандай муомала қиласиз?

— Уларнинг илтимоси мен учун қонун. Ҳатто, мана, кичик бўлса ҳам телевизор, радио келтириб қўйганман. Зарур бўлса чойхўрларнинг ихтиёрига бераман.

Бир гал қизиқ воқеа рўй берди. Хушсуратгина киши новвотчой ичмоқчилигини айтди. Бахтиёр ака уни тавозе билан кутиб олди, нон-чойини олдига қўйди. Кейин: «Ҳозир новвотни майдалаётгандим, бир-икки дақиқада олиб келаман. Унгача чойни шопириб туринг», деб зипиллаб чиқиб кетди. Айтганидай уч-тўрт дақиқада ликопчада новвот келтириб қўйди. «Бор экан-да», дедим. «Йўқ, туговди. Дўкондан олиб келдим», деди Бахтиёр салпал ҳансираб. «Бу одамнинг бу ердан ранжиб кетиши бир-икки чойнак чойга зиён етди деган гап, ака».

— Ҳали ҳам топиладими ширинликлар?

— Албатта. Чойхоначининг қўлида асал, тилида шакар бўлиши керак.

— Бу икки сифат кам...

— Хушфеъл, зийрак, ораста бўлиши керак. Ўзи биронта идиш-товоққа сал чанг ўтирса, жиним қуришиб кетаверади. Ҳамма нарса тоза, чиннидай бўлишини истайман.

Лоф деб ўйлашингиз мумкин. Автобусимиз Марказий зобитлар уйи бекатида тўхтади. Олдинги ўриндиқда ўтирган киши деди:

— Бахтиёрнинг бир пиёла чойини ичиб кетмаймизми?

— Уни Москвада ишлаяпти, деб эшитдим-ку!?

— Ҳозир сайилгоҳда, ўзининг жойига қайтиб келган.

— Аввалроқ айтмайсизми, қани тушдик, — икки ошна ўрнидан қўзғалаётган автобусдан тушиб кетишди.

— Бахтиёр ана, янглишмасам, махсус келиб чой ичиб кетадиганлар ҳам бор экан. Ашаддий чойхўрларга имтиёзлар борми?

— Энг олий навли чой уларники.

— Бизларга хашакисими?

— Ҳашаки чой дамланиб, мижозлар чеҳраси тундлашган кун чойхонадан файз кетди деяверинг. Эл хизматидаги одаммиз. Биз учун одамларнинг хушнудлиги ҳамма нарсадан муҳим.

Ошхона мудири Баҳром Юсупов: «Шу Бахтиёрда бир ҳикмат бор-ов, — деди. — У шу ерда бўлса, ҳаммамизнинг димоғимиз чоғ. Битта одамда бир олам файз бор деганлари тўғри экан».

— Оилангизда издошларингиз борми?

— Укам Тўлқинжон Юнусобод бозоридаги чойхонада ишлаяпти. Ажойиб йигит. Ўғлим ҳам мен билан ишлайди.

— Муштарийларимизга тилакларингиз?

— Бир пиёла хушбўй чойимиз бор, марҳамат қилинглар!

Оқшом чўкди. Сайилгоҳ узра минглаб чироқлар ёнди. Кечки сукунатни бузиб, Ўзбекистон халқ артисти Фарруҳ Зокировнинг қўшиғи янгради:

Елкасида оқ сочиқ,
Қалби офтобдек очиқ,
Чойхоначи чойхўрга
Гир-гир парвона бўлса...

Бу қўшиқ Бахтиёрнинг чойхонасидан эшитиларди. Чойхўрларни ўзига чорлаяпти. Юринглар, биродарлар, чойхонага борайлик, бир пиёла чой устида мирикиб гурунглашайлик.

Суҳбатдош Темур УБАЙДУЛЛО.

Дилкаш суҳбатлар

Об-ҳаво

РЕСПУБЛИКА об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 18-22 сентябрь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида ёғингарчилик кутилмайди. Шарқдан эсган шамолнинг тезлиги ҳар сонияда 5-10 метрни ташкил этади. Кечалари 15-20, кундуз кунлари 33-38 даража иссиқ бўлади. Шу даврнинг охирига бориб, ҳарорат бир оз пасайиб, кундуз кунлари 29-34 даража атрофида бўлади.

Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги «ГАЛЛАНТ-ИНВЕСТ» масъулияти чекланган жамияти

ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги «ФАРЗИН» Савдо-саноат уйи

ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида 55-84-81 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти ва шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Капитал қурилиш ва таъмирлаш бошқармаси бошлиғи, ички хизмат подполковниги Баҳодир Жўраевич Хоназаровга отаси

Жўра ХОНАЗАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0714. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 11.937 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди – 19.30. 1 2 3 4 5 6